

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

UDK: 618.2-578.834.1-616.2-616.9

УСМОНОВА ЗАРИНА МУХТОР ҚИЗИ

**“САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ПЕРИНАТАЛ МАРКАЗИДА COVID-19
БИЛАН КАСАЛЛАНГАН ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРДА
ҲОМИЛАДОРЛИК ВА ТУҒРУҚ КЕЧИШИНИНГ
ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШ”**

5А 510101 – АКУШЕРЛИК ВА ГИНЕКОЛОГИЯ йўналиши бўйича

Магистрлик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: тфн, доц. Раббимова Г. Т.

САМАРҚАНД 2020-2023

МУНДАРИЖА

| | |
|---|----|
| Мундарижа..... | 2 |
| Қисқартмалар..... | 3 |
| КИРИШ..... | 4 |
| I БОБ АДАБИЁТЛАР ШАРХИ..... | 6 |
| 1.1 COVID-19 инфекциясининг тарқалиши ва ҳомиладор аёлларда учраш даражаси..... | 6 |
| 1.2 COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёлларда касалликнинг патогенези..... | 9 |
| 1.3 COVID-19 билан касалланган аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқ кечиши клиникаси ва диагностикаси..... | 12 |
| 1.4 Ҳомиладорлик даврида COVID-19 инфекциясини даволаш тактикаси..... | 28 |
| II-БОБ. ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА УСЛУБЛАРИ | 41 |
| 2.1 Ҳомиладор аёллар гуруҳларининг умумий ва клиник характеристикаси..... | 41 |
| 2.2 Текшириш усуллари..... | 48 |
| 2.3 Тадқиқотнинг статистик таҳлили..... | 54 |
| III-БОБ ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА ХУЛОСАЛАР | 55 |
| 3.1 Текширилган беморларнинг умумий хусусиятлари..... | 55 |
| 3.2 COVID-19 билан касаланган ҳомиладорларда ҳомиладорлик даврининг кечиши | 60 |
| 3.3 COVID-19 билан касаланган ҳомиладорларда туғруқ ва чилла даврининг кечиши | 62 |
| ХУЛОСА..... | 69 |
| АМАЛИЙ КЎРСАТМАЛАР..... | 70 |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... | 71 |

Қисқартмалар

ЖССТ – Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти

ПЦР – Полимераза занжир реакцияси

КК - Kesarcha kesish

КТГ – Кардиотокография

УТТ – Ультратовуш текшируви

ЎРВИ – Ўткир респиратор вирусли инфекция

МРТ – Магнит резонанс томографияси

КТ – Компьютер томографияси

ЎНЕ – Ўткир нафас етишмовчилиги

КИРИШ

Муаммонинг долзарблиги: Пандемик Covid-19 - бу SARS-CoV-2 коронавирусидан келиб чиқадиган ҳозирги глобал пандемия. Вирус биринчи марта Хитойнинг Ухан шаҳрида 2019 йил декабр ойида қайд этилган. (Chaolin Huang, Yeming Wang, Xingwang Li, Lili Ren, Jianping Zhao, 2020). Ушбу касаллик 2020 йил 11 мартда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан пандемия деб эълон қилинди. (Всемирная организация здравоохранения (11 марта 2020)).

2019 йилда ҳомиладорлик пайтида янги коронавирус инфекциясини ўрганиш долзарб ва муҳим аҳамиятга эга, чунки бутун дунёда COVID-19 билан касалланиш даражаси тез суръатлар билан ўсиб бормоқда ва унинг ҳомиладорлик ҳолатига таъсири тўғрисида маълумотлар чекланган бўлиб қолмоқда.

Мавжуд маълумотларга кўра, она организмида COVID-19 га жавобан пайдо бўлган инфекция ва яллиғланиш ҳомила ичи вертикал йўли билан юқиши аниқланмаган. Лекин ҳомила ва боланинг туғруқдан кейинги ривожланишига таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун давом этаётган пандемия шароитида она ва ҳомила ҳимояси учун COVID-19 билан касалланган аёлларда ҳомиладорлик кечиши ва натижасини тахмин қилиш мақсадида кейинги текширишлар давом эттирилиши муҳимдир. (А. Петров, А.Е. Шаталов, А.Д. Купина, 2020).

Мақсад: Covid-19 билан касалланган аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқни олиб боришни ўрганиш.

Ишнинг вазифалари:

1. Covid-19 билан касалланган ҳомиладор аёлларда ҳомиладорлик оғир кечишининг хавф омилларини ўрганиш.
2. Covid-19 билан касалланган аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқ кечиши жараёни ва натижаларини ўрганиш.
3. Covid-19 билан касалланган аёлларда чилла даврини ўрганиш.

Текширув материаллари: Covid-19 билан касалланган 50 нафар ҳомиладорлар (ҳомиладорлиги, туғруқ кечиши, чақалоқлик даврининг кечиши) ўрганилади.

Текширув услублари: умумий клиник, УТТ, ПЦР, кўкрак қафаси рентгенографияси текширувларини ўтказиш.

Изланишдан кутилётган натижалар: Ўтказиладиган изланишлар натижасида Covid-19 билан касалланган аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқ тактикаси ўрганилади .

I БОБ АДАБИЁТЛАР ШАРХИ

1.1 COVID-19 инфекциясининг тарқалиши ва ҳомиладор аёлларда учраш даражаси

Репродуктив саломатлик аҳоли саломатлигининг энг муҳим қисми ва аҳоли кўпайишининг сифат хусусиятидир. Сўнгги пайтларда юқумли касалликлар тобора ортиб бораётган ҳомиладорликнинг одатий тушишига сабаб бўлмоқда. 2020 йилнинг бошланиши янги коронавирус инфекциясининг (covid-19) пайдо бўлиши ва тез тарқалиши билан ажралиб туради. Аёлларнинг репродуктив саломатлиги кўп жиҳатдан муваффақиятли ҳомиладорлик ва бола туғишнинг калитидир. Бироқ, коронавирус пандемияси туфайли турли муаммоларга дуч келган аёллар диагностика ва акушерлик ёрдамидан фойдалана олмаслиги мумкин. Буларнинг барчаси даволанишни кечиктиришга ёрдам беради. [1-3,24,37].

COVID-19 нинг янги ҳолатларини олдини олиш ва аниқлаш бўйича кўрилган шошилиш чоралар, кенг қамровли чора-тадбирларга қарамай, янги инфекциянинг баъзи аҳоли гуруҳлари, хусусан, ҳомиладор аёллар организмига таъсири яхши ўрганилмаган. Пандемия шароитида, кўпгина мамлакатларда одамларнинг ҳаракатланишига чекловлар жорий этилди, кўплаб клиникалар ёпилди, баъзилари вақтинчалик ковид марказлари мақомига ўтказилди, ҳомиладор аёллар ҳомиладорликнинг боришини кузатиш учун мунтазам равишда шифокорга бориш имкониятидан маҳрум қилинди. Буларнинг барчаси аёл ёки ҳомила ҳолатида аниқланмаган аномалияларга олиб келиши мумкин. Бундан ташқари, ҳозирда ҳомиладор аёллар учун совид-19 диагностикаси ва фармакотерапияси бўйича аниқ, далилларга асосланган клиник тавсиялар мавжуд эмас. [6,14,66].

Коронавируслар - бир занжирли, сегментланмаган РНК вируслари бўлиб, ўткир нафас йўллари инфекциялари енгил формасидан тортиб оғир вирусли пневмонияга ва ўлимга олиб келиши мумкин. "Коронавирус"номи коронавирус вирионларининг ташқи тузилиши билан боғлиқ бўлиб, вирусли заррачаларни электрон микроскоп остида кўриб чиқилганда унинг четлари тож шаклига эга эканлиги аниқланган. SARS-CoV-2 таркибида тўртта асосий оқсил мавжуд: нуклеокапсид оқсили (NP), бошоқ оқсили (S), майда мембрана оқсили (SM) мембрана гликопротеини (M). Халқаро вирус тоқсономияси қўмитаси (International committee on Taxonomy of Viruses, ICTV) янги коронавирусга "Оғир ўткир нафас олиш синдроми Коронавирус-2" деб ном берди. 2020 йил 11 мартда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) Бош директори Tedros Adanom Ghebreyesus дунё ҳамжамияти SARS-CoV-2 коронавируси келтириб чиқарган янги пандемияга дуч келганини айтди. Ушбу эълондан бир ой олдин Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан 2020 йил 11 февралда ушбу вирус "Коронавирус инфекцияси Covid-19" деб номланганлиги эълон қилинганди [1-6,11,12,15].

XXI асрда коронавирус инфекцияси касалхонадан ташқари пневмониянинг атипик кечишида кўзгатувчи сифатида долзарб бўлиб қолмоқда. Сўнгги 20 йил ичида коронавируслар касалликнинг учинчи бор авж олишига сабаб бўлган :

- 2002-SARS (Оғир ўткир респиратор синдром), SARSCoV кўзгатувчиси, ҳомиладор аёллар орасида ўлим даражаси 25% гача.
- 2012-MERS (Ўрта Шарқ респиратор синдроми), ҳомиладор аёллар орасида MERS-CoV-ўлим даражаси 37% гача.
- 2019-COVID-19 (коронавирус касаллиги 2019), SARS-CoV-2 кўзгатувчиси [8,34,56].

Ҳозирги вақтда ҳомиладор аёллар организмидаги (биринчи навбатда нафас олиш ва иммунитет тизимидаги) ўзгаришлар уларнинг коронавирус инфекциясига кўпроқ мойиллиги тўғрисида қарама-қарши маълумотлар мавжуд, шунинг учун Хитой, Италия, ва АҚШ нашрлари асосида мавжуд маълумотларга таянган ҳолда катта ёшли кишилар билан ҳомиладор аёллар таққосланганда, касалликнинг фақат ҳомиладор аёлларда оғир кечмаслигини таъкидлаш мумкин. Бироқ лаборатор натижалар асосида тасдиқланган 108 та ҳомиладорлик ҳолатлари кўриб чиқилганда, COVID-19 билан касалланган ҳомиладорларда жиддий касалликлар хавфи ортиши мумкинлиги ҳақида хабар берилган [14,26,68].

Бундан ташқари, Швеция Соғлиқни сақлаш агентлигининг маълумотларига кўра, Швецияда лаборатория томонидан тасдиқланган SARS-CoV-2 билан ҳомиладор ва туғруқдан кейинги аёлларда реанимация бўлимларига ётқизиш хавфи шу ёшдаги ҳомиладор бўлмаган аёлларга нисбатан юқори эканлиги ҳақида далиллар мавжуд [35-36,47].

Эрон публикацияларида COVID-19 билан оғир касалланган 9 нафар ҳомиладор аёллардан 7 нафари ўлганлиги айтиб ўтилган. Ўша публикация чиққан вақтда ҳомиладорларнинг бири оғир ҳолатда ИВЛ да бўлган, иккинчиси узоқ стационар терапевтик даволардан сўнг тузалган. Ҳомиладорларда касалликнинг кечиши уларнинг оила аъзоларига нисбатан оғирроқ кечган [23,35-36].

Ҳомиладор аёлларнинг COVID-19 инфекциясига юқори сезувчанлиги тўғрисида қарама-қарши далиллар мавжуд, аммо мавжуд далиллар умумий аҳоли билан таққослаганда ҳомиладор аёлларда COVID-19 нинг оғир кечганлигини кўрсатмоқда (8-10). Бундан ташқари Буюк Британияда олиб борилган бир тадқиқот шуни кўрсатдики, жорий йилнинг 1 мартдан 14 апрелигача коронавирус инфекцияси билан касалхонага ётқизилган 427 ҳомиладор аёлнинг аксарияти иккинчи триместр охирида ёки учинчи триместрда бўлган. Уларнинг 145 нафари бошқа касалликларга

чалинган. 41 аёл ўпка сунъий вентилляциясига мухтож бўлган ва беш нафари вафот этган. Тадқиқотга кўра, янги туғилган 265 чақалоқдан 12 тасида COVID-19 борлиги тасдиқланган. Испанияда 874 нафар ҳомиладор аёл иштирок этган яна бир тадқиқот шуни кўрсатдики, симптомлари бўлган ва касалхонага ётқизишни талаб қиладиган аёллар орасида ҳомиладорликнинг охири ойларида бўлган аёллар сони кўпроқ бўлган. Америка Касалликларни Назорат қилиш Марказининг мутахассислари - репродуктив ёшдаги, ҳомиладор ва ҳомиладор бўлмаган, COVID-19 билан касалланган аёлларнинг соғлиги ҳолатини таққосладилар. Маълум бўлишича, ҳомиладор аёллар сурункали ўпка касаллиги, қандли диабет ва юрак-қон томир касалликларига чалинган. Уларнинг касалхонага ётқизилиши 5,4 баробар, реанимация бўлимида 1,5 баравар, ўпка сунъий вентилляциясига мухтожлар 1,7 баравар кўп бўлган. ЖССТ маълумотларига кўра, ҳомиладор аёллар COVID-19 билан боғлиқ жиддий асоратлар хавфи юқори эканлигини билишлари керак. Масалан, Қўшма Штатларда коронавирус инфекциясини юқтирган 15735 ҳомиладор аёлнинг 37 нафари вафот этди, 4086 нафари касалхонага ётқизилди, 12183 нафари реанимация бўлимига ётқизилди ва 66 нафари, ўпка сунъий вентилляциясига мухтож бўлган [3,18,65].

1.2 COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёлларда касалликнинг патогенези.

Ҳомиладорлик ноёб иммунологик ҳолат. Ҳомиладор аёлнинг иммун тизими физиологик қайта тузилишга дуч келиб, аллоген ҳомилага нисбатан чидамлик пайдо бўлиши ва микроблар антигенининг таъсиридан ҳимоя қилиш қобилияти сақланган ҳолда кечади. Муваффақиятли ҳомиладорлик тизимли ва маҳаллий даражада иммунитетнинг аниқ мослашувига боғлиқ. Ҳомиладор аёл иммун тизимининг қайта тузилиши ҳисобига респиратор вирусли инфекцияларни

юқтириш хавфи ва ушбу касалликларнинг оғир кечиш эҳтимолини оширади [23,31,46]. Маълумки, ҳомиладорлик даврида гормонлар концентрацияси ва иммунокомпетентлик даражаси сезиларли даражада фарқ қилади. Эрта ҳомиладорлик аёл танасида ҳомила антигенлари пайдо бўлишига жавоб бўлган адаптив ўзгаришлар туфайли турли хил асоратларни ривожланиш хавфи кўпроқ. Келажақда, қоида тариқасида, стабилизация онанинг иммун ва эндокрин тизимларининг ҳолатини босқичма-босқич созлаш билан содир бўлади, энг катта барқарорлик ҳомиладорликнинг кеч босқичларига хосдир. Эрта ҳомиладорлик ҳомила органлари ривожланишининг муҳим даври бўлиб, бу босқичда иммунитет тизими айниқса сезгир бўлиб, бу албатта инфекциялар жараёнига таъсир қилади [2,35,41,76].

Ҳомиладорлик давридаги иммуносупрессия ва бошқа физиологик ўзгаришлар аёл танасининг ўткир респиратор вирусли инфекциялар ва пневмонияни келтириб чиқарадиган патогенларга юқори сезувчанлигига ёрдам беради, бу эса интенсив терапия бўлимида касалхонага ётқизишни ва ўпканинг сунъий вентиляциясини (ИВЛ) талаб қилиши мумкин [9,21,76].

Иммуносупрессияни сақлаб қолиш ўрнига, онанинг иммун тизими турли хил ҳомиладорлик даврларида ҳомиланинг ўсиши ва ривожланиши билан фаол равишда мослашади ва ўзгаради. Оналик иммунитет бегона патогенлардан ҳимоя қилиш учун яхши тайёрланган туғма иммунитет хужайралари масалан НК хужайралари ва моноцитлар вирусли воситаларга нисбатан кучлироқ жавоб беради. Ҳомиладорлик пайтида баъзи адаптив иммун реакциялар камаяди (масалан, Т-хужайралари сони камаяди) Бундан ташқари, ҳомиладорлик пайтида, юқори нафас йўллари эстроген ва прогестероннинг юқори даражаси туфайли бироз гипертрофияланади ва ўпканинг чекланган кенгайиши ҳомиладор аёлни нафас олиш йўллари инфекцияларига мойил қилади [20-23]. Адабиётларда онанинг тизимли вирусли инфекцияларининг ҳомиладорлик жараёни ва

натижаларига таъсири ҳақида етарлича маълумотлар мавжуд.

Ҳомиладорлик пайтида COVID-19 инфекцияси ўз-ўзидан аборт қилиш, муддатидан олдин туғилиш ва ҳомила ўсишининг сустлашишига олиб келиши мумкинлиги исботланган[24,58,62].

COVID-19 инфекциясини вертикал равишда онадан болага юқтиришга оид далиллар йуқ, аммо вируснинг аёлга бевосита таъсири ҳомиладорлик асоратини келтириб чиқариши мумкин. COVID-19 ҳақидаги охириги нашрларда ёзилишича, оғир ҳолатларда инфекция цитокинлар, масалан 2,7,10 интерлейкинлар, шунингдек, гранулацитар-колонияни стимуляцияловчи омил, интерферон-у-индукция қилувчи оқсил, моноцитар хемоаттрактант оқсил 1, макрофаг яллиғланиш оқсиллари, 1-альфа ўсма некроз омиллари (TNF-а) даражаси ўсиши билан боғлиқ [21,56,72]. Ҳомиладор аёлларда, айниқса биринчи ва учинчи триместрларда SARS-CoV-2 инфекцияси таъсирида цитокинлар фаоллигининг ошиши янада оғир яллиғланиш жараёнига олиб келиши мумкин. Бундан ташқари ҳомиладорлик даврида вирусли инфекция натижасида онада яллиғланиш пайдо бўлиши ҳомила мияси ривожланишининг баъзи жиҳатларига таъсир қилиши, постнатал даврда кўплаб нейронларнинг дисфункцияси ва ҳаракатининг бузилишига олиб келиши мумкин [16-18,56].

Гарчи ҳозирги тадқиқотлар ҳомилада COVID-19 ни аниқламаган бўлса-да, касалликнинг ривожланиш хавфига кўпроқ эътибор қаратишимиз лозим. Онанинг периферик қонида TNF-а даражасининг ўсиши эмбрионнинг эрта ривожланиши учун токсик бўлиши мумкин, эрта туғилишни келтириб чиқариши ва билвосита ҳомиланинг ўлимига олиб келиши мумкин. Шунинг учун касалликнинг оғирлиги ва ҳомиладорлик ҳолатига қараб ўз вақтида индивидуал ёндошиш керак. Хусусан, биринчи ва иккинчи триместрда COVID-19 билан касалланган ҳомиладор аёлларга кўпроқ эътибор қаратиш лозим. COVID-19 вирусини онадан болага вертикал равишда юқиши ҳақида ишончли далиллар мавжуд эмаслигига

карамай, вирус ҳомилага етиб бормаган тақдирда ҳам, вирусли инфекцияга жавобан пайдо бўлган тизимли яллиғланиш унинг ривожланишига таъсир қилиши мумкин [19,24,67].

Шуни таъкидлаш керакки, ҳомиладорликнинг иккинчи ярмидан бошлаб, ҳомиладор бачадоннинг катталашиши ҳисобига диафрагма юқорига кўтарилади ва нафас олиш қийинлашади. Организмнинг кислородга бўлган эҳтиёжи ошиб, ўпкалар функциясини кучайтириш зарурати пайдо бўлади [15,27,33].

Ҳомиладорлик даврида артериал гипертензия ва гестацион қандли диабет ривожланишига мойиллик кучаяди, бу ҳозирги вақтда коронавируслар, шу жумладан SARS-CoV-2 келтириб чиқарадиган оғир ўткир респиратор синдром ривожланишининг хавф омиллари ҳисобланади [55,77,83].

1.3 COVID-19 билан касалланган аёлларда ҳомиладорлик ва туғруқ кечиши клиникаси ва диагностикаси

Ҳар қандай респиратор вирусли инфекциянинг тарқалиши ҳаводаги томчилар, ҳаводаги чанг ва контакт йўли билан содир бўлади. Юқтиришнинг асосий манбаи касал одам бўлиб, юқиш омиллари вирус билан ифлосланган ҳаво, озиқ-овқат ва уй-рўзғор буюмлари ҳисобланади. Кўпгина ҳолларда (75-85%) оилавий инфекция ўчоқлари кузатилади. Маълумки, хона ҳароратида масалан, SARS-CoV-2 ҳар хил атроф-муҳит объектларида 3 кун давомида яшашга қодир. SARS-CoV-2 вирусини касал одамнинг нажасидан олиш мумкин, шунинг учун вирусни фекал-орал йўл билан юқиш механизмини инкор этиб бўлмайди [37-40].

Бугунги кунга қадар бир қатор олимларнинг ишлари коронавирус инфекциясининг онадан ҳомилага вертикал юқиш йўлини тасдиқламаган [41-43]. Бироқ баъзи нашрларда COVID-19 билан касалланган ҳомиладор

аёлларни кесар кесиш операцияси орқали туғилган чақалоқлар коронавирус инфекцияси билан туғилиши ҳақида хабар берилади [44-46]. Шу билан бирга бундай вазиятда операция хонаси ҳавоси орқали болага инфекция юқиши мумкинлиги инкор этилмайди. Шу сабабли туғруқ пайтида ва ундан кейин ҳар қандай респиратор вирусли инфекцияни юқтиришни олдини олиш бўйича қатъий чораларни кўриш жуда муҳимдир [47,64,78]. Ўткир респиратор вирусли касалликлар ва гриппнинг кўзгатувчилари, қоида тариқасида, юқори нафас олиш тизимининг шиллик каватига таъсир қилади. Бундан ташқари, коронавируслар тезда ўпка алвеолаларини зарарлайди [48-49,82]. Касаллик ривожланишининг бошида, иммунитет тизимининг етарли даражада жавоб бермаслиги билан, организмнинг тўсиқ вазифаси бузилади ва вируслар бутун танага қон оқими билан тарқалади [36,50,84].

Бундан ташқари, нафақат вируслар, балки бактериялар (*Streptococcus pneumoniae*, *Staphylococcus aureus*, *Haemophilus influenzae* ва бошқалар) нинг нафас йўлларида ва бошқа органларда тез колонизацияланиши пневмококк, стафилококк, гемофил ва бошқа инфекцияларнинг қўшимча ривожланишига ёрдам беради. Бронхит, пневмония, отит, синусит, миокардит, полиневрит, плацентит, сепсис, гайморит ва бошқалар каби асоратларни келтириб чиқаради. SARS-CoV-2 вируси қон айланиш тизими ёки этmoid суяк пластинкаси (*lamina cribrosa*) орқали тарқалиши аниқланди. Коронавирус инфекциясига чалинган беморда касалликнинг дастлабки босқичида ҳид сезишдаги ўзгаришлар (*гипосмия*) марказий асаб тизимининг шикастланишини кўрсатиши мумкин [51-52]. COVID-19 нуклеокапсид оқили касал одамнинг ошқозон, ўн икки бармоқли ичак ва тўғри ичак эпителий ҳужайралари цитоплазмасида ҳам учрайди [53]. Бошқа томондан, касалликнинг ривожланиши билан SARS-CoV-2 вирусларини ўпка алвеолаларига киритишда яллиғланиш реакциясининг юқори фаоллиги лимфоцитлар томонидан “цитокин бўрони“ деб

номланадиган, бошқариб бўлмайдиган цитокинлар ишлаб чиқаришига олиб келади [54-57]. Бу эса COVID-19 билан касалланган беморларда дистресс синдромининг ривожланишига олиб келади ва 5-6% ҳолларда уларнинг нафас олиш функциясини сақлаб қолиш учун ўпканинг сунъий вентилизациясини (ИВЛ) қўллаш учун асосий сабаб ҳисобланади. Шуни эсда тутиш керакки, янги коронавирус инфекциясини юқтирганлар сони билан мутаносибликда узок муддатли (баъзи ҳолларда 4 ҳафтагача) интенсив терапияни ИВЛ билан даволашни талаб қиладиган беморлар сони ҳам ошади. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, агар маълум бир аҳоли пунктида коронавирус билан касалланган 5000 бемор бўлса, ушбу яшаш жойига хизмат кўрсатадиган тиббиёт муассасасида 250-300 та ИВЛ аппарати бўлиши керак. Респиратор вирусли инфекциялар ҳомиладорлик даврларига бевосита боғлиқ ва салбий акушерлик асоратларига олиб келиши мумкин. Ҳомиладорликнинг биринчи триместрида юқори иситма билан кечадиган вирусли касалликлар ҳомила ривожланиш аномалиялари, ҳомиланинг ривожланмай қолиши, ҳомила тушиши каби салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Иккинчи триместрда Плацента ва фетоплацентар етишмовчилигига, учинчи триместрда қоғонок пардасининг вақтидан олдин ёрилишига, қоғонок сувларининг вақтидан олдин кетишига, муддатдан олдинги туғруқ содир бўлишига сабаб бўлади. Хитойлик тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, чекланган ҳолатларга асосланиб, COVID-19 билан касалланган ҳомиладорлар ва туғувчи аёлларда муддатдан олдинги туғруқлардан ташқари, ҳомила дистресс синдроми, тромбоцитопения ва янги туғилган чақалоқларда жигар функциясининг бузилганлиги кузатилган [46,49,75]. COVID-19 билан касалланган онанинг касаллиги ҳомила ўсишининг бузилиши билан боғлиқ бўлиши мумкинлиги ҳақида ҳозирда ҳеч қандай далил йўқ. Шунга қарамай ҳомиладорлик кузатувларининг 2/3 қисмида аёлларга ОРВИ ташхиси қўйилганда, ҳомила ўсишининг бузилиши аниқланди [16,37,58]. Ҳомиладорлик пайтида нафас олиш йўллариининг вирусли

касалликларининг клиник кўриниши ҳомиладорликдан ташқари бўлганидан фарқ қилмайди. ОРВИ, ОРЗ, ва ГРИППни бирлаштирган асосий маҳаллий клиник кўриниши бу ўткир ринит (назофарингит, тумов). Вирусли инфекцияларда буруннинг шаффоф, ҳаддан зиёд кўп оқиши кузатилади. Бактериал этиологик омилларда (ОРЗ) бурундан келаётган ажралмалар қуюқ ва яшил рангда бўлади. ОРВИ ва ОРЗ нинг асосий клиник белгиларига субфебрил тана ҳарорати ва организмнинг умумий интоксикация белгилари (безовталиқ, ҳолсизлик, чарчоқ ва бошқалар) киради. Гриппнинг асосий клиник белгилари касалликнинг ўткир бошланиши, беморнинг тана ҳарорати юқори бўлиши (40°С гача), титроқ, бош оғриғи, ҳолсизлик, мушаклар ва кўз соҳаларида оғриқ, ринит ёки назофарингит. Беморни томоқ оғриғи ва қуруқ йўтал, шунингдек кўнгил айланиши, қусиш ва ичак бузилиши безовта қилиши мумкин. Янги коронавирус касаллигининг асосий клиник белгилари қуйидагилардир: иситма, қуруқ ёки озгина нам йўтал, шунингдек нафас қисилиши касаллик бошлангандан 6-8 кунда аниқ намоён бўлади. COVID-19 нинг клиник кўриниши ўткир респиратор вирусли касаллиенинг енгил кечиш шаклида (80% гача), шунингдек, ўткир нафас олиш етишмовчилигини ўз ичига олган пневмония шаклида бўлиши мумкин [45,54,83]. COVID-19 эпидемиясининг намоён бўлиши клиник жиҳатдан асимптоматик енгил клиник белгилардан оғир касалликларга ва ўта оғир кечиши ўлимга қадар бўлган. Симптомлар орасида иситма, йўтал, нафас қисилиши ва бошқа ўзига хос бўлмаган кўринишлар бўлиши мумкин [59-61]. COVID-19 касаллигида ўлимнинг асосий сабабларидан бири бу ўткир респиратор дистресс синдроми, коагулопатик ўзгаришлар ва сепсис бўлиб, хорижий ҳамкасблар фикрига кўра кўпроқ беморларнинг катта ёшли гуруҳида ривожланади [55-57]. Шунини таъкидлаш керакки, SARS-CoV вируси болалар орасида учраш сони кам бўлганлигини бир қатор олимларнинг фикрига кўра коронавирус инфекцияси ангиотензинни ўзгартирувчи фермент 2 (АПФ2) рецепторлари бўлган нафас йўллари эпителий

хужайраларини зарар етказиши билан изоҳлашади. Бу фермент катта ёшдагиларга нисбатан 18 ёшгача бўлган одам организмида камроқ [46,58,73]. COVID-19 ривожланишининг дастлабки босқичида вирусли ва энтеровирусли инфекциялар билан, кейинчалик турли хил этиологик сабабларга кўра пневмония билан дифференциал диагностика ўтказиш керак. Коронавирус инфекциясига чалинган беморларнинг оғирлигини баҳолайдиган баъзи меъзонлар мавжуд [54, 59,37].

COVID-19 касаллигини аниқлашда тўғри йиғилган эпидемиологик анамнез муҳим аҳамиятга эга. Бунда қуйидаги саволларга аниқлик киритиш керак: бемор симптомлар пайдо бўлишидан олдинги, сўнгги 14 кун ичида COVID-19 касаллиги бўйича эпидемиологик жиҳатдан ноқулай минтақаларга ташриф буюрдими? Белгиланган муддат давомида ушбу ташхис лаборатор тасдиқланган шахслар билан ёки коронавирус инфекциясига шубҳа қилиниб кузатувда бўлган ва кейинчалик касаллик аниқланган одамлар билан алоқада бўлганми? ЖССТ тавсиясига кўра COVID-19 нинг шубҳали ҳолати ўткир респиратор касалликнинг клиник белгилари пайдо бўлганда, эпидемиологик анамнезда кўрсатилган бронхит ва пневмониянинг биргаликда кечиши, ўткир респиратор дистресс синдром клиникаси намоён бўлиш эҳтимоли мавжуд бўлганда, оғир пневмония эпидемиологик анамнез билан биргаликда тасдиқланган клиник кўринишидан қатъий назар, SARS-CoV-2 вируси РНК нинг полимераза занжири реакцияси (ПЦР) методи ёрдамида лаборатория текшируви мусбат натижа берганда қўйилади [54,68,84].

Янги коронавирус инфекцияси билан касалланган ҳомиладор аёлларда кузатилган асосий клиник симптомлар қуйидагилардир: иситма 87,5% ҳолларда учрайди, йўтал (53,8%), чарчоқ (22,5%), миалгия (16,3%), нафас қисилиши (11,3%), диарея (8,8%), томоқ оғриғи (7,5%), шунингдек ўткир нафас етишмовчилигини ўз ичига олган пневмония.

Ҳомиладорликнинг асоратлари қуйидагилардан иборат эди: ҳомила

тушиши (2%); ҳомила ривожланишдан ортда қолиши (10%), ҳомила дистресс синдроми (10,7%), муддатдан олдинги туғруқ (21,3-39,0%). Ҳомиладор аёлларнинг 91 фоизда туғруқ турли хил кўрсатмалар бўйича кесар кесиш операцияси орқали амалга оширилди. Юқорида санаб ўтилган симптомларнинг намоён бўлиши касалликнинг 6-8 кунда аниқланади [62-64].

Касаллик иситма, йўтал, чарчоқ каби белгилар билан бошланиб, оғир даражаларида пневмония кузатилади ва балғам ажралиши, бош оғриши, нафас қисилиши, диарея, қон тупуриш, лимфопения белгилари кўшилади. Кўкрак қафаси органларининг компьютер томографияси (КТ) маълумотлари пневмония ташхисини тасдиқлайди, аммо баъзиларда ўткир нафас етишмовчилиги, ўткир юрак етишмовчилиги каби кам учрайдиган белгилар ҳам кузатилган. Бундан ташқари COVID-19 инфекциясини кўрсатадиган лаборатор текширувларда лимфопения, узоқ муддатли протромбин вақти (РТ), лактат дегидрогеназа (ЛДГ), аланин аминотрансфераза (АЛТ), аспартат аминотрансфераза (АСТ), Д-димерлар, нейтрофилия, эозинофилия, юқори даражали С-реактив оксил ва тропонинлар топилган. Тропонин даражасининг ошиши юрак тўқималарида инфилтрат борлигини кўрсатади. Полимераза занжир реакцияси (ПЗР) COVID-19 диагностикаси учун олтин стандарт бўлиб қолади [28-30].

Тадқиқот 01.04.2020 дан 10.07.2020 гача Воронеж вилоятининг Соғлиқни сақлаш бюджет ташкилотига қарашли “3- сонли Воронеж туғруқхонаси” да ўтказилди. II даражали тиббий ёрдам кўрсатиш акушерлик стационари ноҳуш эпидемиологик вазият туфайли янги коронавирусли инфекция ташхиси тасдиқланган ҳомиладорлар, туғувчи аёллар ҳамда касалхонадан ташқари пневмония билан, COVID-19 билан контактда бўлган аёллар ва COVID-19 га гумон қилинганларни қабул қилиш учун шифохонага айлантирилди. Ушбу давр ичида янги

коронавирус инфекцияси ташхиси 50 та беморда тасдиқланди. Барча аёлларнинг ёши, ҳомила ривожланаётган аёлларнинг соматик касалликлари бор ёки йўқлиги солиштирилди. Ҳомиладорларнинг ёши 17 ёшдан 43 ёшгача бўлганларни ташкил этди. Энг кўп учрайдиган соматик касалликлар сурункали артериал гипертензия, оёқ веналарининг варикоз кенгайиши, анемия турли оғир даражадан енгил даражагача кечиши (2 беморда), қалқонсимон без касалликлари, семизлик. Тадқиқот олиб борилаётган гуруҳга бронхлар ҳамда ўпка тизими патологияси бўлган битта ҳам аёл кирмаган, бк асосий касалликнинг кечишини оғирлаштирар эди. Яна бир муаммо мавжудки ҳомиладор аёлларда ҳомиладорликнинг кечки муддатларида буйрак системаси, қон томирлар ва бош миёда пайдо бўлиши мумкин бўлган муҳим асоратларни COVID-19 намоён бўлганда ҳамроҳлик қилувчи асоратлардан фарқлай олиш лозим. Тадқиқот гуруҳида ҳомиладорлик асоратлари қуйидагича тақсимланади: камқонлик ҳомиладорларнинг 96% да ҳамроҳ бўлди, аёл ҳомиладорликнинг қанчалик илк муддатида коронавирус инфекциясини ўтказса, камқонлик шунчалик чуқурлашиб борди. Бизнинг кузатувларимизда иккита Камқонликнинг II даражаси, иккита Камқонликнинг III даражаси ҳолатлари кечишида бу яққол намоён бўлди, охиргисини даволаш учун гемотрансфузия қўлланилди [50].

Ҳомиладорлик асоратларидан энг кўп учрайдиган ҳолатларидан бири ҳомиладорлик туфайли жигар тўқималарининг зарарланиши бўлди – трансаминазалар кўсаткичи ўсиш жараёнига мойиллиги сабаб гепатопротекторлардан фойдаланишни талаб қилди. Ушбу ҳолат ҳомиладорларда қўлланиладиган Лопинавир (Ритонавир) препаратининг гепатотоксиклиги оқибатида юзага келди. Шу билан бирга трансаминазалар ЛДГ кўрсаткичи ушбу препаратни қабул қилиш давомийлиги билан тўғридан-тўғри боғлиқликка эга эди ва бекор қилингандан сўнг бирдан нормал кўрсаткичга қайтади. Бемор

гепатопротекторлар билан даволаш фонида ва фақатгина биокимёвий анализлар кўрсаткичлари назорати остида уйга жавоб берилганлигининг 10-суткасидагина нормал кўрсаткичларга мос ёзувлар йиғила бошлаган интервал қийматини кўрдик. Бу препаратларни ўн кундан ортиқ тавсия этмаслик билан чегараланишга мажбур этди. Енгил презеклампися ҳомиладорликнинг кечки муддатларида пайдо бўлувчи гестоз асорати сифатида ҳомиладорларнинг 12% да ҳамроҳлик қилди ва ҳеч қайси ҳолатда бемор аҳволининг оғирлашуви ва туғруқни жарроҳлик йўли билан олиб боришга сабаб бўлмади. Ҳомиладорликнинг бештасида муддатдан олдинги туғруқ хавфи бўлган, асосан 25 ҳафталикдан сўнг микронлаштирилган прогестерон ёрдамида муваффақиятли коррекция қилишга эришилди. Ҳеч бир ҳолатда бачадон бўйнига чок қўйиш ёки акушерлик кесар кесишидан фойдаланишга ҳожат бўлмади ва бу вирусли касалликнинг муддатдан олдин туғиш ҳолатлари билан ҳеч алоқаси йўқлиги ҳақидаги маълумотларни тасдиқлайди [50].

Беморларнинг бирида янги коронавирусли инфекция клиникасининг пайдо бўлиб, ташхис тасдиқлангунга қадар ривожланган илеофеморал тромбоз мавжуд эди. Семириб кетиш, гестацион қандли диабет ҳомиладорликни 22% га қийинлаштирди. Коронавирус инфекцияси одатдагидек ўзига хос бўлмаган симптоматикада намоён бўлди. 43 та ҳомиладорда тана ҳароратининг кўтарилиши, касалликнинг симптомсиз кечиши ҳолатлари бундан мустасно. 43 ҳолатда қуруқ ёки кам миқдорда балғам ажралиши билан турли даражаларда намоён бўлганлаги аниқланган. Нормал кечаётган ҳомиладорликда барча беморларда кучли ҳолсизлик белгилари кузатилган кунггтл айниши, қайт қилиш, ич кетиши каби шикоятлар кам бундай клиника 50 та ҳомиладордан 5тасида учради, ҳамда бошқа симптомлар йўтал, иситма мустасно эмас. 16та беморда касаллик нафас қисишининг турли даражада намоён бўлиши билан кечди. Улардан 4 тасида ўпка тўқималарининг зарарланиш

ҳажмининг КТ, 3 стационарга қабул қилинган вақтда тахипноэ-нафас сони бир минутда 26 та, сатурация 94% дан тушмади. Қолган 12 та беморда ҳансираш, нафас сони 1 минутда 22-26 тани ташкил этди. Ҳамма беморлар ниқоб орқали кислород ингаляциясини қабул қилди. Ҳид билиш йўқолиши каби носпецифик белги 64% ҳолда кузатилиб касаллик бошланишининг 3 кунда пайда бўлиб касалликнинг 7-10 суткасида нормал ҳолатга қайта бошлади. Шу билан бирга қолган белгилар ҳам сақланиб қолган эди. Таъм билиш сезгисининг йўқолиши тахминан 22% аёлларда кузатилди ва унинг тикланиш вақти ҳид билишнинг тикланиш вақти билан бир хил кечди [50].

Варонеж вилоятининг Соғлиқни сақлаш бюджет ташкилотига қарашли “3- сонли Варонеж туғруқхонаси” да ўтказилган тадқиқотларда 7 та ҳомиладор аёлда касалликнинг белгиларсиз кечган, бу беморларда оила аъзоларининг касаллиги аниқлангандан сўнг юзага келди. 8 ҳомиладорда касалликнинг енгил (ОРВИ) ўткир респиратор вирусли инфекция типиде кечаётгани аниқланди. Бу аёлларнинг барчаси стационарга ҳомиладорлик охирида тасдиқланган ташхис билан қабул қилинди. Уларнинг бирортасида узоқ иситмалаш ёки қаттиқ йўтал бўлмаган. Белгилар: тана ҳарорати субфебрил, ҳид билишнинг йўқолиши, томоқ қичиши билан чекланган. Белгиларнинг намоён бўлиши 5-7 чи суткада барҳам топган. Тананинг субфебрил ҳарорати ҳеч қайси ҳолатда 3 суткадан ошмаган, тана ҳарорати 3 кундан 5 кунгача сақланган. Йўтал пайдо бўлган ҳомиладорларнинг барчасида кўкрак қафаси КТ текшируви ўтказилган ва барча ҳолатларда интерстициал пневмония аниқланган, ўпка тўқималари зарарланиш ҳажми КТ-2, 1 ҳолатда эса патологик процесс ўпка тўқимасининг 75% ни зарарлаган, зарарланиш ҳажми КТ-3 [50].

Хитойлик ва Италиялик ҳамкасбларимиз шарҳларида кўпчилик ҳомиладорларда туғруқни жарроҳлик йўли билан олиб борилгани айтилган. Ўтказилган текширувларда кесар кесиш жарроҳлиги 92%-96% ни ташкил этган. Туғруқни жарроҳлик йўли билан ўтказиш учун аниқ

кўрсатмалар белгиланмаган, афтидан бунга оғир эпидемиологик вазият ва вируснинг ҳомила учун қандай хавф туғдириши ҳақида маълумотлар бўлмаганлиги сабаб бўлган [50].

17 та ҳомиладордан 10 та аёл ўзи туққан, уларда туғруқ фаолияти ўз-ўзидан бошланган. Кўпинча туғруқ қоғоноқ сувлари кетиб қолишидан сўнг бошланган. 2 та табиий йўл билан туғаётган аёлда ҳомила боши чаноқ тубида туриб волганлиги оқибатида ҳомилада ўткир гипоксия ривожланаётганлиги сабабли туғруқ вакуум экстракторни қўллаш жарроҳлиги билан тугатилди. 7та ҳомиладорда туғруқ кесар кесиш йўли билан олиб борилди. 2 та ҳолатда КТГ текширувига асосланиб қўйилган “ўткир гипоксия” ташхиси иккала ҳомиладорда ҳам ҳомиладорликнинг 36 чи ҳафтасида ҳомиладорликни оператив йўл билан тугатишга сабаб бўлди. Кесар кесиш жарроҳлигининг бир ҳолати ҳомила ва чаноқ диспропорцияси туфайли ўтказилди. Яна бир кесар кесиш жарроҳлигининг сабаби 37 ҳафталикда гестацион муддатда ҳомила дистресс синдроми билан ҳомиладор аёл стационарга қабул қилинган. ва ҳомила ўсишининг кечикиш синдроми (СЗРП) III даражаси, КТГ патологик типи ташхиси қўйилган ҳомиладор аёл жарроҳлик йўли билан туғдирилди, чақалоқнинг вазни 1700 гр. Бу беморда ҳомиладорликнинг 32 ҳафталигида янги коронавирусли инфекция ташхиси қўйилган. Бемор амбулатор даволанган [50].

Ҳолатларнинг бирида кесар кесиш жарроҳлик йўли билан туғдиришга эгиз ҳомиладорликда иккинчи ҳомиланинг нотўғри жойлашуви кўрсатма бўлган бўлса, яна бирида бачадонда кесар кесишдан кейинги чандиқ ва ҳомила йўлдошининг чандиқ соҳасига бирикиши сабабли ўтказилган. Ҳозирги вақтда янги коронавирусли инфекцияга чалинган ҳомиладорларни қайси йўл билан туғдириш мумкин деган саволга аниқ жавоб йўқ. Ҳомиладорларни кесар кесиш жарроҳлик йўли орқали туғдириш, табиий туғруқ йўллари орқали туғдиришдан афзал эканлиги ҳақида аниқ далиллар бўлмаганини ҳисобга олиб, ўз

текширувларимиздан келиб чиққан ҳолда туғдириш йўли COVID-19 билан боғлиқ бўлмаслиги керак деган хулосага келдик. Акушерлик вазиятининг қай ҳолатга ўзгариши асосий йўналишни белгилаб беради деган фикр бор [50].

“3- сонли Варонеж туғруқхонаси” да ўтказилган тадқиқотларда кесар кесиш жарроҳлиги орқали туғруқни олиб боришда ҳомилани она қорнидан чиқариб олиш биланоқ сатурациянинг тушиб кетиши кузатилган. Бу эҳтимол аорта-ковал компрессиясининг пасайиши ва бачадоннинг ҳомила олингандан кейинги қисқариши натижасида юзага келган ва бу нафас етишмовчилигининг оғир даражаларига сабаб бўлмаган. Фақат биргина ҳолатда туққан аёлнинг аҳволи ёмонлашган. Сатурация 94% гача тушиб кетиб, кислородга муҳтож бўлган ва 5-суткада хавф камая бошлаган. Кузатувлар давомида фақатгина икки аёлда ҳомиладорлик борасида кўнгилсизлик юз берган. Улардан бирида ҳомиладорликнинг 29-ҳафтасида ҳомиланинг антенатал ўлими кузатилган. Ҳомиладор аёл стационарга мурожат қилгунга қадар 10 сутка оғригин, иситма, йўтал, ҳид билишнинг йўқолиши каби шикоятлар бўлган. Мурожат қилган пайтида кўкрак қафасининг компютер томографияси ўтказилганда, икки томонлама полисегментар интерстициал пневмония, ўпка тўқималарининг зарарланиш ҳажми КТ-3 лиги маълум бўлган. Вирус ва бактерияларга қарши даволаш чоралари олиб бориш давомида иситма 5 суткагача сақланган. Ҳомиладор аёл глюкокортикоидлар ва антикоагулянтлар ҳам қабул қилган. Ҳомила ва йўлдош патологоанатомик текшируви ўтказилганда ҳомила ичи пневмонияси, плацентанинг субтотал ишемик инфаркти, сурункали декомпенсацияланган нафас етишмовчилиги белгилари аниқланган [37].

Яна бир ҳомиладорликда 13 ҳафталикда ҳомиланинг ривожланмай қолиши кузатилган. Аёлда COVID-19 инфекциясининг енгил даражаси ОРВИ фонида кузатилган. Вирусга қарши итраназал интерферон 2б қабул

қилган. Янги коронавирусли инфекция билан касалланган ҳомиладорларни, туғувчи ва тукқан аёлларни олиб бориш ҳақидаги клиник тавсияларни ҳисобга олган ҳолда, уларни кузатиб бориш қўйидагича амалга оширилди: ҳар куни бир маҳал КТГ, ҳомиладорликнинг 28-ҳафтасидан бошлаб ҳар 5 суткада бир бор доплерометрия ўтказиш, плацентар қон оқимининг бузилиш даражасини кузатиш ёки қон оқими фаолиятининг бузилмасдан кечаётганлигиа ишонч ҳосил қилиш муҳим. Киндик артерияларида бузилишлар пайдо бўлганда динамик кузатувлар ҳар 3 кунда бир марта ўтказилди. Камқонликнинг оғир даражаларида ўрта мия артерияларида ҳам доплерометрия ўтказилди. Бизнинг кузатувларимизда 3 та ҳомиладорда қон оқимининг бузилиши учради, бу эса патологик ёки претерминал КТГ нинг ёмонлашувига олиб келди ва кесар кесиш жарроҳлиги орқали туғруғни яқунлашга сабаб бўлди [37].

Янги туғилган чақалоқларга тиббий ёрдам кўрсатиш эпидемияга қарши чораларга қатъий риоя қилган ҳолда амалга оширилди. Барча ҳолатларда чақалоқ киндиги бирдан кесилиб, она қорнига қўйилди, теритерига контакти бажарилгандан сўнг, она кўкрагиг берилди. Чақалоқлар дарҳол олдиндан махсус тайёрланган хонага бирламчи тозалов учун ўтказилди ва шу билан бирга улар терисидаги биологик суюқликлар қолдиқлари хлоргексидин ёрдамида ювиб олиниб, ҳаво-томчи ва контакт йўли билан инфекция юқишининг олдини олиш мақсадида чақалоқлар неонатология бўлимининг карантин хоналарига изоляция қилинди. Она билан алоқа тўлиқ тақиқланди. Ҳамма чақалоқлар COVID-19 инфекциясига гумон қилинганлар деб баҳоланди. Уларга ҳаётининг биринчи ва учинчи кунларида оғиз бўшлиғидан COVID-19 инфекциясига текшириш учун суртма олинди. Янги туғилган чақалоқларнинг ўртача вазни 3176,8 гр, Апгар шкаласи бўйича баҳоси 7-8 балл билан баҳоланди. Барча чақалоқлар ижобий ҳолда уйга жавоб берилди [37].

COVID-19 НИНГ КЕЧИШИ БЎЙИЧА ТАСНИФИ

Енгил кечиши

* 38° С дан паст тана ҳарорати, йўтал, ҳолсизлик, томоқ оғриғи;

* Ўрта оғир ва оғир даража мезонларининг йўқлиги.

Ўрта оғир кечиши

* Иситма 38°С дан юқори;

* Нафас олиш сони 22/мин дан кўп;

* Жисмоний зўриқиш пайтида нафас қисилиши;

* Пневмония (КТ томонидан тасдиқланган);

• SpO2 < 95%;

* С-реактив оқсил 10 мг/л дан ортиқ.

Оғир кечиши

* Нафас олиш сони 30/мин дан кўп;

• pO2 ≤ 93%;

* PaO2 /FiO2 ≤ 300 мм рт.ст.

* Рентгенография, КТ, УТТ натижалари бўйича ўпкадаги ўзгаришларнинг ўсиб бориши;

* Эс-ҳушнингнинг пасайиши;

* Ностабил гемодинамика (систолик қон босими 90 мм.сим.уст. дан кам ёки диастолик қон босими 60 мм.сим.уст. дан кам мм, диурез мл/соат дан кам мл).

Ўта оғир кечиши

*Оғир нафас етишмовчилиги

* Септик шок.

* Полиорган етишмовчилиги [35].

ҲОМИЛАДОР АЁЛЛАРДА ДИАГНОСТИКА УСУЛЛАРИНИ ҚЎЛЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ:

Лаборатория диагностикаси:

Умумий қон таҳлили - эритроцит, гематокрит, лейкоцит, тромбоцит ва лейкоцитар формулани аниқлаш. Лимфопения борлиги алоҳида аҳамиятга ега [66].

Қоннинг биокимёвий таҳлили - (креатинин, жигар ферментлари, альбумин, лактат, лактат дегидрогеназа, ферритин, СРП). Биёкимёвий қон таҳлили аниқ маълумот бермайди, лекин аниқланадиган органлар дисфункцияси ҳисобига, йўлдош касалликлар декомпенсацияси ва асоратлар ривожланиши мавжудлигини кўрсатиши мумкин, маълум бир прогностик қийматга ега, дори ва/ёки уларнинг дозалаш режимини танлашга таъсир қилади. СРО даражаси касалликнинг оғирлиги, яллиғланиш инфилтрациясининг тарқалиши ва пневмонияда прогноз билан боғлиқ [66].

Гемостазиограмма

